

**МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.02.2018.Т/ФМ.61.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ТЕШАЕВ МУҲСИН ХУДОЙБЕРДИЕВИЧ

**ҚАТТИҚ ЖИСМЛАРДАН ТАШКИЛ ТОПГАН ДИССИПАТИВ
МЕХАНИК СИСТЕМАНИНГ ТЕБРАНИШЛАРИ НАЗАРИЯСИ ВА
ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси
01.02.01– Назарий механика**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Contents of the doctoral (DSc) dissertation abstract

Тешаев Мухсин Худойбердиевич

Қаттиқ жисмлардан ташкил топган диссипатив механик системанинг тебранишлари назарияси ва ҳисоблаш усулларини ривожлантириш4

Тешаев Мухсин Худойбердиевич

Развитие теории и методов расчета колебаний диссипативных механических систем, состоящих из твердых тел31

Teshaev Muhsin Khudoyberdiyevich

Development of the theory and methods of calculating of vibrations of dissipative mechanical systems, consisting solids57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works61

**МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАР СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ
ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИНЖЕНЕРЛАРИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.02.2018.Т/ФМ.61.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ТЕШАЕВ МУҲСИН ХУДОЙБЕРДИЕВИЧ

**ҚАТТИҚ ЖИСМЛАРДАН ТАШКИЛ ТОПГАН ДИССИПАТИВ
МЕХАНИК СИСТЕМАНИНГ ТЕБРАНИШЛАРИ НАЗАРИЯСИ ВА
ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

**01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси
01.02.01– Назарий механика**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Физика-математика фанлари доктори (ДSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.DSc/FM115 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (реюзме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiiame.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|---|
| Илмий маслаҳатчи: | Сафаров Исмоил Иброҳимович физика-математика фанлар доктори, профессор |
| Расмий оппонентлар: | Коршунова Наталья Александровна физика-математика фанлар доктори, профессор |
| | Мавлонов Тўлқин техника фанлари доктори, профессор |
| | Юлдашев Шарафитдин Сайфитдинович техника фанлари доктори, профессор |
| Етакчи ташкилот: | Самарқанд давлат университети |

Диссертация ҳимояси Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи ДSc.28.02.2018.Т/ФМ.61.01 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик илмий кенгашнинг « 3 » июль 2019 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй, 4-мажлислар зали. Тел.: (99871) 237-46-68; факс: (99871) 237-38-79, e-mail:admin@tiiame.uz)

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй.
Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail:admin@tiiame.uz)

Диссертация автореферати 2019 йил «15» июль куни тарқатилди.
(2019 йил «15» июлдаги № 1 рақамли реестр баённомаси).

М.М. Мирсаидов

Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор, академик

Ш.О. Худойназаров

Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., доцент

Р.А. Абиров

Илмий даражалар берувчи бир марталик Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда мустаҳкам, рақобатбардош, мукаммал машина ва қурилмалар кашф қилиш негизида техника, транспорт воситалари, технологиялар ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг жадал ўсишига эришиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда. Янги авлод машина ва қурилмаларини яратишда ҳар хил физик-механик хусусиятли механизм ва қурилмалар қисмларининг ўзаро таъсирининг самараларига асосланиб конструктив ечимларни оптималлаштириш алоҳида ўрин эгалламоқда. Бу йўналишда АҚШ, Германия, Россия, Исроил, Жанубий Корея, Хитой ва бошқа саноати ривожланган мамлакатларда машина ва қурилмалар мустаҳкамлиги ва рақобатбардошлигининг ўсиб боришига эришиш учун улар қурилмаларининг қулай ва самарадор бўлишини таъминлашга, уларнинг эксплуатация муддатларини оширувчи конструктив ечимлар ишлаб чиқишга, тежамкор, техник ва технологик жиҳатдан оптимал қурилмалардан ташкил топган техника воситаларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда машина ва қурилмаларни вибрация ва барқарор бўлмаган тебранишлардан ҳимоя қилишда улар таркибидаги жисмларнинг қовушқоқ-эластиклик хусусиятларини эътиборга олган ҳолда амплитуда-частота характеристикалари (АЧХ) ва кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатлари (КДХ) ни баҳоловчи самарали услубларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан, машина ва қурилмалар элементларининг мустаҳкамлиги ва турғунлигини таъминлаш мақсадида қаттиқ жисмлардан ҳосил қилинган қовушқоқ-эластик механик системалар тебранишлари назариясини ривожлантириш, машина ва қурилмалар элементларининг АЧХ ва КДХ ни баҳолашнинг самарали услубларини ҳамда ҳисоблаш алгоритм ва дастурларини ишлаб чиқиш каби йўналишларда мақсадли илмий тадқиқотларни амалга ошириш, шу билан бир қаторда машина ва қурилмалар динамик характеристикалари ва ҳолатларини баҳолашнинг услубларини ишлаб чиқиш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Республикада автомобил ва қишлоқ хўжалиги машиналарини ишлаб чиқаришга, замонавий, тежамкор, рақобатбардош техника ва технологияларни лойиҳалаш ва жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, ...ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш”¹ муаммолари қўйилган. Бу каби

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” Фармони //Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами.-2017 йил.-6-сон.

муҳим муаммоларни ечиш ва уларни ҳаётга жорий этишда машина ва қурилмалар таркибидаги конструкцияларнинг қовушқоқ-эластиклик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қаттиқ жисмлардан ҳосил қилинган қовушқоқ-эластик механик системалар ҳаракатлари назариясини ривожлантириш, машина ва ускуна таркибига кирган қурилмаларнинг ҳаракатлари динамикасини тадқиқ қилиш, уларни ҳар хил ташқи юкланишлар таъсирида вужудга келадиган вибрация ва барқарор бўлмаган тебранишлардан ҳимоя қилиш услубларини, алгоритм ва ҳисоблаш дастурларини ишлаб чиқиш муҳим муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги, 2017 йил 1 июндаги ПФ-5066-сонли “Фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонлари, 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сонли “Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва аҳолисининг сейсмик хавфсизлиги, сейсмик чидамли қурилиш ва сейсмология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2017 йил 14 октябрдаги ПҚ-3309-сонли “Автомобил йўллари кўприklarини, йўл ўтказгичлар ва бошқа сунъий иншоотларни қуриш ҳамда фойдаланишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг IV. “Математика, механика, иншоотлар сейсמודинамикаси ва информатика” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Қаттиқ жисмлардан ҳосил қилинган қовушқоқ-эластик механик системаларнинг тебранишлари назарияси ва ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида кенг қамровда олиб борилмоқда. Жумладан: Evanston North-east university, Cornell university, Texas university,

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://educationbro.com/ru/universities/usa/cornell-university/>, <https://www.sgu.ru/research/napravleniya-nauchnyh-issledovaniy-sgu>, https://miem.hse.ru/Sysem_of_control_of_dynamic_objects, <https://center-ua.com/severo-zapadnyj-uni-versitet/>, <https://www.cambridge.org/core/journals/journal-of-mechanics>, http://www.imash.ru/about/schools/school_rabotnov/, <https://www.msu.ru/science/sschool.html>, http://scholarsmine.mst.edu/masters_theses; <https://por-tal.issn.org/resource/issn/>, http://www.scirp.org/Journal_Home.aspx/Issue_ID=9470, <http://www.dissercat.com/cata-log/fiziko-matematicheskie-nauki>, <http://mtt.ipmnet.ru/en/Issues.php/y=2018&n=1>, <http://studychina.ru/education/shanhajskij-universitet-shanghai-university/>, <http://www.univerrating.ru/college.asp?id=40>, <https://www.education-index.ru/university-search/univer-sity-of-texas-at-austin/>, <https://www.educationindex.ru/university-search/ohio-university/> ва бошқа манбалар асосида фойдаланилган.

Ohio university (AQSH); Oxford university (Angliya); P. Gandi nomiдаги техника университети, Канпур технологик университети (Хиндистон); Техрон университети (Эрон); Москва давлат авиация институти, Урал ўрмон техникаси давлат университети, Томск политехника университети, Пенза давлат университети, Москва электрон машиналар қурилиши институти (техника университети), Пермь давлат университети, Москва давлат университети, Фанлар академиясининг машинашунослик институти, Фанлар академиясининг Новосибирск бўлими (Россия); Украина Гидромеханика институти, Украина миллий Фанлар академияси (УМФА), С.П. Тимошенко номидаги механика институти (Украина); Беларусь давлат университети (Беларусь); Озарбайжон миллий фанлар академиясининг «Физика ва математика» бўлими (Озарбайжон); А. Яссавий номидаги Қозоқ-турк халқаро университети (Қозоғистон); Рио-де-Жанейро католик университети (Бразилия); ЎзР ФА Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти, Тошкент давлат техника университети (Ўзбекистон) да.

Қаттиқ жисмлардан ҳосил қилинган қовушқоқ-эластик механик системалар эркин ва мажбурий тебранишлари назариясини ривожлантириш ва ҳисоблаш услубларини ишлаб чиқиш бўйича жаҳонда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар натижасида жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: актив демпферлаш элементларидан фойдаланиб кўчиш ва кучланиш амплитудаларини баҳоловчи услублар яратилган (Новосибирск давлат университети, Россия; Washington university, AQSH; Paris university, Франция); механик система элементларининг эркин ва мажбурий тебранишлари масалаларини ечиш услублари ишлаб чиқилган (Москва электрон машиналар қурилиши институти, Пермь давлат университети, Россия; P. Gandi номидаги техника университети, Канпур технологик университети, Хиндистон); уч қатламли пластиналарнинг қовушқоқ-эластиклик хоссаларини ҳисобга олган ҳолда динамик характеристикаларни ҳисоблаш услублари ишлаб чиқилган (Беларусь давлат транспорт университети, Белоруссия); Қозоқ-турк халқаро университети, Қозоғистон); машина ва қурилмалар элементларининг реологик хоссаларини ҳисобга олган ҳолда паст частоталарда уларни тебраниш ва вибрациялардан актив ҳимоялаш услублари ишлаб чиқилган (Hawaii university, AQSH; Новосибирск давлат университети, Иркутск техника университети, Россия; Osaka university, Япония); пластина (ёки қобик) лар пакетининг эркин ва мажбурий тебранишлари масалаларини ечиш услублари ишлаб чиқилган (Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Самарқанд давлат университети, Бухоро муҳандислик-технология институти, Ўзбекистон).

Жаҳонда қаттиқ жисмлардан ҳосил қилинган механик системаларнинг АЧХ га ва КДХ га система элементларининг реологик хоссалари турлича бўлган материаллардан ташкил топганлигининг, геометрик ўлчамларнинг, йиғилган массалар ва нуқтавий боғланишларнинг таъсирини баҳолаш юзасидан самарали услублар ишлаб чиқиш бўйича бир қатор, жумладан

қуйидаги устувор йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда: деформацияланувчан қаттиқ жисмлар тебранишлари динамикаси назариясини қаттиқ жисмлардан ҳосил қилинган ўзаро деформацияланувчан элементлар воситасида боғланган қовушқоқ-эластик механик системаларга қўллаш ҳисобига такомиллаштириш; гармоник ёки импульсли (ностационар) юкланишлар таъсирида нуқтавий боғланишларга эга бўлган йиғилган массали пластина (қобик) лардан ҳосил қилинган механик системаларнинг эркин ва мажбурий тебранишларини, шунингдек, КДХ ни ҳисоблаш услублари ва дастурларини ишлаб чиқиш; механик система элементлари материалнинг реологик хусусиятлари, геометрик ўлчамлари ва чегарадаги шартлари таъсирини баҳолаш муаммоларини ечишнинг самарали услубларини ишлаб чиқиш; қаттиқ жисмлардан ҳосил қилинган механик системани турли тебранишлардан актив ҳимоялаш учун актив виброҳимоя системаларини ифодаловчи моделларни ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг система турғунлигини ифодаловчи геометрик ва физик-механик параметрларини аниқлаш услубларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда машина ва қурилмалар элеменларининг КДХ ни ва АЧХ ни баҳолаш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Улар томонидан ишлаб чиқилган кўрсатма ва тавсиялар конструкторлик бюроларига янги машина ва ускуналарни яратиш учун тавсия этилган. Янги авлод машина ва қурилмаларни тадқиқ қилиш, лойиҳалаш ва ҳисоблаш муаммоларининг методологик асослари қатор олимлар тадқиқотларида кўриб чиқилган. Жумладан: И.И. Артоболевский, К.В.Фролов, Р.Ф.Ганиев, М.Д.Генкин, В.Л.Вейц, I.I.Wulfson, Я.Г.Пановко, К.С.Колесников, Н.И.Левитский, J.S. Snoudon, J.P.Dan-Gartog, М.А.Колтунов, В.П. Майборода, А.С.Кравчук, И.Е.Трояновский, А.П. Филиппов, С.П.Тимошенко ва бошқалар. Бу тадқиқотларда машина ва қурилмалар фақатгина тизимли таҳлил ва бошқариш назарияси нуқтаи-назаридан ўрганилган.

В.Г. Ивченко, К. И. Билибин, А. И. Власов, Л. В. Журавлев, А.В. Лысенко, И.П. Норенков, Н.К. Юрков каби олимларнинг тадқиқотлари назарий ишланмаларнинг ҳар хил татбиқларига, жумладан, робототехника динамикасига, механизм ва машиналар динамикасига, ташқи юкланишлар таъсиридаги техник объектлар технологик жараёнларининг ҳисоби ва мустаҳкамлигини оширишга бағишланган.

Машина ва қурилмаларни ҳар хил тебранма ҳаракатлар негатив таъсиридан ҳимоялаш услубларини ишлаб чиқиш ва уларни ҳисоблаш услубларини такомиллаштириш бўйича С.В. Елисеев, Л.Н. Волков, В.П. Кухаренко, Ш.П.Алимухамедов, К.А.Каримов, А. И.Каримов, А.А. Ризаев, Ғ.О. Баходиров, Н.В.Адилов, М.М.Мирсаидов, Ш.О.Худойназаров, О.М.Дусматов ва бошқалар шуғулланишган.

Шу билан бир қаторда, ҳозирга қадар қовушқоқ-эластик механик системалар сифатида фаол ва пассив виброҳимоя тизимлари масалаларининг назарий асослари, ечиш усуллари тўлалигича ишлаб чиқилмаган, назарий масала математик жиҳатдан қўйилмаган, сонли натижалар олиш учун ечиш

усуллари ва алгоритмлар тўла ишлаб чиқилмаган. Қовушқоқ-эластик механик системалар учун ядрони ва унинг реологик параметрларини танлаш, уларнинг частотага ва демпферлаш коэффициентига таъсири муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № Ф-126-«Математическое моделирование собственных колебаний криволинейных труб с протекающей жидкостью» (2006–2008) ва №Ф-4-14-«Развитие теории и разработка методов исследования динамического напряженно-деформированного состояния криволинейных участков тонкостенных подземных трубопроводов с протекающей жидкостью при воздействии динамических нагрузок» (2012–2016) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: гармоник (ёки стационар бўлмаган) юкланишлар таъсиридаги йиғилган массали, нуқтавий таянчли юпқа деворли пластина ва қобиклардан ташкил топган диссипатив механик системалар тебранишлари назариясини бошқаришни ҳисобга олган ҳолда аналитик ва сонли таҳлил қилишнинг назарий асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гармоник (ёки стационар бўлмаган) юкланишлар таъсиридаги йиғилган масса ва нуқтавий боғланишларга эга бўлган юпқа деворли пластиналар ва қобиклардан ҳосил қилинган қовушқоқ-эластик механик системалар тебранма ҳаракатини пассив ва актив бошқариш муаммосининг математик қўйилиши, ечиш услублари, алгоритм ва дастурларини ишлаб чиқиш;

комплекс частоталар (ҳақиқий ва мавҳум қисмлари) модасининг диссипатив механик система элементларининг геометрик ўлчамлари ва физик-механик параметрларига боғлиқ равишда ўзгаришини қиёсий баҳолаш, шунингдек, йиғилган массали ва нуқтавий боғланишли юпқа деворли пластина ва қобиклардан ҳосил қилинган қовушқоқ-эластик механик системалар тебранма ҳаракатлари учун олинган натижаларнинг ишончилигини асослаш;

механик системанинг эркин ва мажбурий тебранма ҳаракатларини пассив ва актив бошқаришни эркинлик даражаси чекли ва санокли бўлган бир жинслимас (ёки бир жинсли) қовушқоқ-эластик система сифатида тадқиқ қилиш услубларини ишлаб чиқиш;

сервобоғланиш реакциялари структурасини излаш назариясини қўллаб механик система (актив бошқарув системалари) нинг резонанс режимларини бошқариш назариясини ишлаб чиқиш;

актив бошқариш мақсадини амалга ошириш услубини ишлаб чиқиш;

олинган янги илмий натижалар ва самаралар негизида улардан фойдаланиш бўйича амалий кўрсатмалар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида йиғилган массали ва нуқтавий боғланишли қовушқоқ-эластик пластиналар ва қобиклар, каттик жисмлар, амортизаторлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети йиғилган массали ва нуқтавий боғланишлари бўлган юпка деворли пластина (қобик) лардан ҳосил қилинган қовушқоқ механик системаларни ифодаловчи моделлар, улар параметрларининг ўзгариш қонунлари, ташқи гармоник ва стационар бўлмаган юкланишлар таъсирида бўлган қаттиқ жисмлардан ҳосил қилинган қовушқоқ-эластик механик система назарияси, уларни ҳисоблаш услублари, алгоритм ва дастурлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда эластиклик назарияси усуллари, қовушқоқ – эластиклик назарияси, назарий механика усуллари, математик анализ ва математик физика усуллари, сонли усуллар, математик моделлаштириш усуллари, алгоритмлаштириш ва сервобоғланишли механик системалар динамикаси усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

қаттиқ жисмлардан ҳосил қилинган қовушқоқ-эластик механик системалар динамикаси масалаларининг (пассив ва актив бошқариш) назарияси системага йиғилган массалар, нуқтавий боғланишлар қўйилганда ҳар хил чегаравий шартларини ҳисобга олган ҳолда умумлаштирилган;

механик системанинг турғунлигини ҳисобга олган ҳолда сервобоғланиш реакция кучлари структурасини қидириш алгоритминини қовушқоқ-эластик механик системаларга қўллаб энергия интенсификациясини актив бошқариш услуби ишлаб чиқилган;

механик системанинг қовушқоқ-эластиклигини ҳисобга олган ҳолда қаттиқ ва деформацияланувчан жисмлардан ҳосил қилинган қовушқоқ-эластик механик системанинг энергиянинг энг катта сўндириш қобилиятини таъминловчи параметрларини аниқлаш услуби ишлаб чиқилган;

механик системанинг қовушқоқ-эластиклик хусусиятларини ифодаловчи параметрларни ва геометрик ўлчамларни танлаш ҳисобига резонанс тебранма ҳаракатлар амплитудасини камайтириш услублари ишлаб чиқилган;

электромеханик рақамли кузатувчи система қуриш орқали актив бошқариш мақсадини амалга ошириш услуби ишлаб чиқилган;

муайян ораликда механик системанинг қовушқоқ-эластиклигини ҳисобга олган ҳолда иккинчи глобал форманинг ўзгармаслик эффекти система геометрик ва физик-механик параметрларининг баъзи қийматларида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагидан иборат:

йиғилган массали ва нуқтавий боғланишларга эга бўлган юпка пластиналар (қобиклар) пакетидан ҳосил қилинган қовушқоқ-эластик механик системалар тебранма ҳаракатлари динамикаси амалий муаммоларини ечиш услублари ишлаб чиқилган;

фундаментал базис функциялар услубига кўра системага қўйилган йиғилган массалар ва нуқтавий боғланишларни ҳисобга олган ҳолда қаттиқ жисмлардан ҳосил қилинган қовушқоқ-эластик механик системалар эркин тебранма ҳаракатларини тўла сўндириш услублари ишлаб чиқилган;

йиғилган массали ва нуқтавий боғланишларга эга бўлган юпқа пластиналар (қобиқлар) пакетидан ҳосил қилинган қовушқоқ-эластик механик системалар энергия сўнишининг интенсивлик соҳаларини аниқлаш услублари ишлаб чиқилган;

фундаментал базис функциялар услубини қўллаб системага қўйилган йиғилган массалар ва нуқтавий боғланишларни ҳисобга олган ҳолда қаттиқ жисмлардан ҳосил қилинган қовушқоқ-эластик механик системалар резонанс амплитудаларини камайтириш (бир неча мартага) услуби ишлаб чиқилган;

электромеханик рақамли кузатувчи системаси куриш орқали актив бошқариш мақсадини электромеханик кучлар ёрдамида амалга ошириш услуби ишлаб чиқилган;

гармоник юкланишлар қўйилган йиғилган массали ва нуқтавий боғланишларга эга бўлган юпқа пластиналар (қобиқлар) пакетидан ҳосил қилинган қовушқоқ-эластик механик системалар тебранма ҳаракатлари динамикаси амалий масалаларини ечиш услублари, алгоритм ва дастурлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги эластиклик назарияси, қовушқоқ – эластиклик назарияси, назарий механика, математик анализ, математик физика курслари услубларини қўллаш ва математик амалларнинг қатъийлиги орқали муаммоларнинг тўғри қўйилиши ҳамда қаттиқ жисмлардан ҳосил қилинган қовушқоқ-эластик механик системалар тебранма ҳаракатлари динамикаси назариясининг ҳисоблаш услублари ва аниқ ҳисоб услублари бўйича олинган натижаларни ўзаро таққослаш натижалари орқали изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қаттиқ жисмлардан ҳосил қилинган қовушқоқ-эластик бошқарилувчи механик системалар тебранма ҳаракатлари динамикаси назариясини система таркибига кирган абсолют қаттиқ жисмларни ҳисобга олган ҳолда умумлаштирилганлиги ва ҳисоблаш услублари ишлаб чиқилганлиги, қаттиқ жисмлардан ҳосил қилинган қовушқоқ-эластик механик системаларнинг эркин ва мажбурий тебранма ҳаракатлари масалаларини ҳал этиш услублари, алгоритм ва дастурлар ишлаб чиқилганлиги ҳамда уларни қўллаб олинган натижаларнинг назарий натижаларга қониқарли равишда яқинлиги орқали изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти машина ва қурилмаларнинг модели, қаттиқ жисмлардан ҳосил қилинган қовушқоқ-эластик механик системаларнинг гармоник ва стационар бўлмаган динамик юкламалар таъсиридаги эркин ва мажбурий тебранма ҳаракатлари масалаларини системанинг қовушқоқ –эластиклик характеристикаларини ва геометрик ҳамда физик–механик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда **ҳал этиш**нинг сонли услублари, алгоритм ва дастурлари замонавий машина ва қурилмаларни лойиҳалашда улар элементларининг оптимал кўрсаткичларини аниқлаш ва баҳолаш орқали изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қаттиқ жисмлардан ташкил топган диссипатив механик системалар тебранишлари назариясини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган ҳисоблаш усуллари, алгоритм ва дастурлар бўйича олинган натижалар асосида:

механик системани ташкил этувчи элементлар турли физик-механик характерли материаллардан ташкил топганлигини (диссипатив бир жинслимас система) таъминлаш усули 294Г12-370/25-56М1 компрессор газ қайта ҳайдаш қурилмасининг амплитудасини пасайтириш учун қурилмани ўрнатиш жараёнига жорий этилган («Ўзтрансгаз» акциядорлик жамиятининг 2018 йил 14 августдаги 02-10-1702/6364-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши иншоотнинг мустаҳкамлик захирасини 1,5 мартага ошириш имконини берган;

диссипатив бир жинслимас механик системалар резонанс амплитудасини пасайтириш усули роторининг виброқўчишлари кўлами частотанинг ишчи диапазони $66,25, \dots, 92,75 \text{ с}^{-1}$ ва 60 мкм дан катта бўлмаганда 294Г12-370/25-56М1 компрессор газ қайта узатиш агрегати резонанс амплитудаси ва шовқинини камайтириш учун динамик ҳисоб ишларига жорий этилган («Ўзтрансгаз» акциядорлик жамиятининг 2018 йил 14 августдаги 02-10-1702/6364-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши газ қайта ҳайдаш агрегати резонанс амплитудасини 1,6 мартага камайтириш имконини берган;

қаттиқ жисмлардан ташкил топган диссипатив бир жинслимас механик системалар динамикаси масалаларини ечишнинг усуллари «Дельта робот динамикасини математик, компьютер ва табиий моделлаштириш» хорижий грантида эркин ва мажбурий тебранишларни системанинг геометрик ва физик-механик параметрларига, шунингдек чегаравий шартларга боғлиқ равишда аниқлашда фойдаланилган (Москва давлат озиқ-овқат университетининг 2018 йил 21 июндаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши юклама остида ва юкламасиз манипуляторнинг ушлаб олишини сонли моделлаштириш имконини берган;

энергия диссипациясининг интенсив бўлиши эффекти ва бу интенсивлик соҳасини аниқлаш усули Ф-4-23 рақамли «Эластиклик назариясининг динамик масаласи уч ўлчамли бўлак-бўлак жинслардан иборат бўлган узлуксиз ярим фазода ҳаракатланувчи юкдан ҳосил бўладиган тўлқинларнинг тарқалишини тадқиқ қилиш» фундаментал лойиҳада (2012-2016) уч ўлчамли диссипатив бўлак-бўлак жинслардан иборат бўлган узлуксиз ярим фазода ҳаракатланувчи юкдан ҳосил бўладиган тўлқинларнинг диссипацияси билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 4 июлдаги 89-03-2516-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланиши уч ўлчамли диссипатив бўлак-бўлак жинслардан иборат бўлган узлуксиз ярим фазода ҳаракатланувчи юкдан ҳосил бўладиган тўлқинларнинг диссипацияси юқори

бўладиган соҳаларда тўлқин амплитудаларини интенсив сўндириш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та халқаро ва 21 та республика миқёсидаги илмий- техника ва илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 57 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 4 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори (DSc) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 9 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 197 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, чоп этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Чекли сондаги жисмлардан ҳосил қилинган диссипатив бир жинслимас механик системаларнинг тебранишлари тўғрисида”** деб номланган биринчи бобида чекли сондаги қаттиқ жисмлардан ҳосил қилинган қовушқоқ-эластик механик системанинг тебранишларига доир адабиётларнинг қисқача таҳлили, шунингдек, сервобоғланишларни қўллаган ҳолда системага таъсир этаётган кучларни компенсациялаш масалалари тўғрисидаги таҳлил келтирилган.

Диссертациянинг **“Чизиқли диссипатив механик системалар масалаларининг умумий математик қўйилиши ва ечиш усуллари”** деб номланган иккинчи бобида қаттиқ жисмлардан ҳосил қилинган қовушқоқ-эластик механик системанинг асосий муносабатлари, деформацияланиш қонунлари қисқача баён этилган, деформацияланувчан ва қаттиқ жисмлардан ҳосил қилинган қовушқоқ-эластик механик системалар материалининг реологик характерларини ҳисобга олган ҳолда тебранма ҳаракатларини тадқиқ қилиш муаммосининг математик қўйилиши, ечиш услублари ва алгоритми ишлаб чиқилган.

Ўзаро S та қовушқоқ-эластик элементлар орқали боғланган, N та қаттиқ ва K та деформацияланувчан жисмлардан ҳосил қилинган механик система пассив ва актив бошқаришларни ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилинган. Системанинг деформацияланувчан жисмлари қовушқоқ-эластик

материаллардан тайёрланган. Қовушқоқ-эластик материалларнинг физик характерлари Больцман-Вольтерранинг интеграл ядроли чизикли ирсий ифодалари орқали ёзилган. Агар ташқи таъсирлар бўлмаса, системанинг сўнувчи хусусий тебранма ҳаракатлари, ташқи таъсирлар бўлганида эса мажбурий тебранма ҳаракатлар қаралган.

Асосий муаммо-системанинг қовушқоқ-эластиклик характерларини ва унинг КДХ ни тадқиқ қилишдан иборат.

Деформацияланувчан элементлар учун кучланиш ва деформация қуйидагича кўринишда боғланган:

$$\sigma_{ij} = \bar{\lambda}_n \varepsilon_{ni} \delta_{ji} + 2\bar{\mu}_n \varepsilon_{ni}, \quad S = S_1 + S_2, \quad n = 1, 2, 3, \dots, S,$$

$$\bar{\lambda}_n = \lambda_{0n} [1 - \Gamma_{\lambda n}^c(\omega_R) - i\Gamma_{\lambda n}^s(\omega_R)], \quad \bar{\mu}_n = \mu_{0n} [1 - \Gamma_{\mu n}^c(\omega_R) - i\Gamma_{\mu n}^s(\omega_R)].$$

Бунда

$$\Gamma_{\lambda n}^c(\omega_R) = \int_0^{\infty} R_{\lambda n}(\tau) \cos \omega_R \tau d\tau, \quad \Gamma_{\mu n}^c(\omega_R) = \int_0^{\infty} R_{\mu n}(\tau) \cos \omega_R \tau d\tau,$$

$$\Gamma_{\lambda n}^s(\omega_R) = \int_0^{\infty} R_{\lambda n}(\tau) \sin \omega_R \tau d\tau, \quad \Gamma_{\mu n}^s(\omega_R) = \int_0^{\infty} R_{\mu n}(\tau) \sin \omega_R \tau d\tau,$$

ядро релаксациясининг Фурье косинус ва синус тасвирлари; ω_R - ҳақиқий частота. Ҳисоблашларда уч ўзгарувчили Колтунов-Ржаницин релаксация ядроси

$$R_{\lambda n}(t) = R_{\mu n}(t) = R_n(t) = A_n e^{-\beta_n t} / t^{1-\alpha_n}$$

ва Работнов ядроси қўлланилган:

$$\tilde{E}_n = E_n (1 - \Gamma_n^*); \quad \tilde{\nu}_n = \nu_n + \frac{1 - 2\nu_n}{2} \Gamma_n^*; \quad \Gamma_n^* f(t) = m_n \int_{-\infty}^t \mathcal{D}_{-1/2}^{(n)}(-\beta_n, t - \tau) f(\tau) d\tau,$$

бу ерда E_n ва ν_0 - Юнг модули ва Пуассон коэффициентининг оний қийматлари; m_n , β_n - материал характеристикалари. Интеграл оператор ядроси сифатида Работновнинг каср-экспоненциал функцияси қўлланилган:

$$m_n \mathcal{D}_{-1/2}^{(n)}(-\beta, t) = m_n t^{-1/2} \sum_{j=0}^{\infty} \frac{(-\beta_n)^j t^{j/2}}{\Gamma[(j+1)/2]},$$

бу ерда $\Gamma(j) = \int_0^{\infty} y^{j-1} \exp(-y) dy$ - гамма-функция ва $\nu \neq const$.

Системанинг эркин ва мажбурий тебранма ҳаракатлари масаласининг қўйилишида мумкин бўлган кўчиш принципи қўлланилган:

$$\delta A = \delta A_{\sigma} + \delta A_F + \delta A_u + \delta A_{pa} = 0, \quad (1)$$

бу ерда


$$\delta A_{\sigma} = - \sum_{n=1}^{S_2} \int_{V_n} \sigma_{ij} \delta \varepsilon_{ij} dV - \sum_{e=1}^{S_1} \Gamma_e \delta \Delta e;$$

$$\delta A_u = - \sum_{n=1}^{S_a} \int_{V_n} \rho_n \frac{\partial^2 \bar{u}}{\partial t^2} \delta \bar{u} dV - \sum_{k=1}^n m_k \frac{d^2 \bar{u}}{dt^2} \delta \bar{u}_k - \sum_{k=1}^n I_k \frac{d^2 \bar{\varphi}}{dt^2} \delta \bar{\varphi}_k;$$

$$\delta A_F = \sum_{n=1}^{S_2} \int_{E_n} \bar{f}_p \delta \bar{u} dE - \sum_{n=1}^{S_1} \int \rho_n \bar{f}_n \delta \bar{u} dV + \sum_{n=1}^{N_1} \int \bar{F}_n \delta \bar{u}_n + \sum_{k=1}^{N_1} \int \bar{M}_k \delta \bar{\varphi}_k \quad ,$$

δA_{pa} - бошқарувчи (пондеромотор) кучлар ишининг вариацияси; $\delta \varepsilon_{ij}$, $\delta \nabla e$ – тарқалган ва чизикли йиғилган элементлар деформациялари вариациялари; ρ_n – n - деформацияланувчан элемент зичлиги; m_k – k - қаттиқ жисм массаси; $\bar{u}, \bar{u}_n, \delta \bar{u}, \delta \bar{u}_n$ – кўчиш векторлари ва уларнинг вариациялари; \bar{f}_p – сирт кучлари зичликлари; V_n, E_n – n - элемент ҳажми ва сирти юзаси; I_n – n - қаттиқ жисм инерция моменти тензори; \bar{F}_n, \bar{M}_k – кучлар бош вектори ва бош моменти.

Агар механик система массасиз деформацияланувчан элементлар орқали бир-бирига боғланган N та массадан иборат бўлса (1-расм), у ҳолда механик система Лагранж тенгламалари орқали қуйидаги кўринишда тасвирланади:



1-расм. Ҳисоб схемаси.

1- амортизатор; 2-узатгич; 3-ўзгартиргич; 4-бажарувчи қурилма

$$\begin{cases} \frac{d}{dt} \left(\frac{\partial T}{\partial \dot{q}_j} \right) - \frac{\partial T}{\partial q_j} = \frac{\partial \Pi}{\partial q_j} + Q_j + R_j^{(2)}(v) \\ T_s \frac{\partial v}{\partial t} + v = A \cdot u \end{cases}, \quad (j=1,2,3,\dots), \quad (2)$$

бу ерда T ва Π – кинетик ва потенциал энергия; q_j – умумлашган координата; Q_j – умумлашган куч; A – $(m \times n)$ ўлчовли матрица; $R_j^{(2)}(v)$ – умумлашган бошқарувчи кучлар; T_s – кечикиш коэффициентлари матричаси; v, u – бошқариш параметрлари.

Агар вазияти q_1, \dots, q_n , умумлашган координаталар билан аниқланган механик системага

$$\Phi_{\alpha}(t, q_1, \dots, q_n) = 0 \quad , \quad (\alpha = 1, \dots, a)$$

кўринишидаги фаол бошқарув мақсадлари (сервобоғланишлар) кўйилган бўлса, (А)-кўчишлар усулини қўллаб, боғланиш кўпайтувчилари катнашган тенгламалар олинган:

$$\frac{d}{dt} \left(\frac{\partial T}{\partial \dot{q}_i} \right) - \frac{\partial T}{\partial q_i} = Q_i + \sum_{\theta_i=1}^a \lambda_{\theta_i} a_{\theta_i}^* \quad , \quad (i=1, \dots, n) \quad ,$$

бу ерда $R_i^2 = \sum_{\theta_i=1}^a \lambda_{\theta_i} a_{\theta_i}^*$ - фаол бошқариш мақсадлари (сервобоғланишлар) реакция кучлари.

Агар вазияти q_1, \dots, q_n , умумлашган координаталар билан аниқланган механик системага

$$\begin{cases} \Phi_{\alpha}(t, q_1, \dots, q_n) = 0 \quad , \quad (\alpha = 1, \dots, a) \quad , \\ \Psi_{\gamma}(t, q_1, \dots, q_n, \dot{q}_1, \dots, \dot{q}_n) = 0 \quad , \quad (\gamma = 1, \dots, c) \quad , (a + c = \kappa) \end{cases}$$

кўринишидаги фаол бошқарув мақсадлари (сервобоғланишлар) кўйилган бўлса, Аппель тенгламалари кўринишидаги тенгламалар олинган

$$\frac{\partial S}{\partial \dot{e}_v} = Q_v + R_v^{(2)} \quad , \quad (v=b+1, \dots, n)$$

бу ерда S – тезланишлар энергияси, e_v -тезлик параметрлари.

Айтайлик, чизикли диссипатив механик система ўзаро деформацияланувчан массасиз элементлар билан боғланган фазовий жисмлардан ташкил топган бўлсин. У ҳолда (1) масала комплекс қаттиқликли чизикли дифференциал тенгламалар системасига келтирилган:

$$\sum_{k=1}^{6N} (a_{jk} \ddot{q}_k + \tilde{C}_{jk} \dot{q}_k) = f_j e^{-i\lambda t} + \delta_{\omega_R, \lambda} \cdot F^{(2)}(v) \cdot e^{-i\lambda t} \quad , \quad j = 1, 2, \dots, 6N \quad (3)$$

бу ерда λ - частота; a_{jk} - умумлашган массалар ҳақиқий матрицаси компонентлари; $C_{jk} = C_{Rjk} + iC_{Ijk}$ - умумлашган қаттиқликлар, $\delta_{\omega_R, \lambda}$ - Кроникер символлари; $F^{(2)}(v)$ - бошқарувчи (пндеромотор) кучлари.

Эркин тебранишлар қаралганда ечим кўйидаги кўринишда қидирилади

$$q_j = A_j e^{-i\omega t} \quad , \quad (j = 1, \dots, 6N) \quad ,$$

бу ерда $\omega = \omega_R + i\omega_I$ – комплекс хусусий частота, ва масала кўйидаги комплекс хос сонлар масаласига келади:

$$\sum_{k=1}^{6N} (\tilde{C}_{jk} - \omega^2 a_{jk}) \cdot A_k = 0 \quad , \quad (j = 1, \dots, 6N) \quad .$$

Мажбурий тебранишлар қаралганда ечим кўйидаги кўринишда қидирилади:

$$q_j = A_j e^{-i\lambda t} \quad , \quad j = 1, \dots, 6N \quad ,$$

бу ерда A_j – қидирилаётган комплекс амплитудалар. Барқарор мажбурий тебранишлар масаласи қуйидаги системага келади:

$$\sum_{k=1}^{6N} (\tilde{C}_{jk} - \lambda^2 a_{jk}) A_k = f_j + \delta_{\omega_R, \lambda} \cdot F^{(2)}(\nu) \quad .$$

Деформацияланувчан массивий элементлар учун (1) масала хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар системасига келтирилади:

$$\sum_{k=1}^{S_2} L_{jk} W_k \pm \rho_j \frac{\partial^2 W_j}{\partial t^2} = \pm \rho_j f_{1j} e^{i\lambda t} + \delta_{\omega_R, \lambda} \cdot F^{(2)}(\nu) \quad , \quad (4)$$

бу ерда W_j – кўчиш вектори компонентлари; ρ_j – погон зичлик; f_j – комплекс амплитудалар компонентлари; L_{jk} – дифференциаллаш операторининг чизиқли комбинацияси.

(4) система ярим аналитик услубни қўллаб, яъни Мюллер, Гаусс, интеграл алмаштиришлар ва Рунге–Кутта услубларига асосланиб ишлаб чиқилган алгоритмни қўллаб ечилади.

Диссертациянинг **“Йиғилган массали ва нуқтавий таянчли пластинасимон (ёки қобиксимон) механик системалар пакетининг хусусий тебранишлари”** деб номланган учинчи бобида нуқтавий боғланишларга ва йиғилган массаларга эга бўлган қовушқоқ-эластик пластина (ёки қобик) лардан ташкил топган механик системанинг хусусий тебранма ҳаракатлари кўриб чиқилган.

Айтайлик, механик система элементлари (масалан, k - пластина) гармоник қонунга мувофиқ тебранма ҳаракат қилсин, яъни

$$W_k(x, y, t) = W_{ok}(x, y) e^{i\omega t} \quad ,$$

бу ерда $W_{ok}(x, y)$ – пластина бош тебранма ҳаракатларининг хусусий формалари, ω – комплекс частота. Улар S та нуқталарда шарнирли маҳкамланганлик шартини

$$W_0(x^s, y^s) = 0 \quad , \quad (s = 1, \dots, S) \quad (5)$$

ва Ox ўқига нисбатан α_s йўналишида қаттиқ маҳкамланганлик шартини қаноатлантирсин:

$$\frac{\partial W_0(x^s, y^s)}{\partial \alpha_s} = 0 \quad , \quad (s = 1, \dots, S; \quad 0 \leq \alpha_s \leq \frac{\pi}{2}) \quad , \quad (6)$$

бу ерда x^s, y^s – S - таянчнинг координаталари. (5) ва (6) боғланишларни ҳисобга олиб, Лагранж кўпайтувчилари услубини қўллаб, қуйидаги вариацион тенглама олинган:

$$\delta \left[\sum_{s=1}^S \lambda_s W_0(x^s, y^s) + \sum_{s=1}^{S_0} \lambda_s^\alpha \frac{\partial W_0(x^s, y^s)}{\partial \alpha_s} + G_{n_{\max}}^\circ - T_{\max} \right] = 0. \quad (7)$$

(7) тенгламани ва (5)-(6) чегарадаги шартларни қаноатлантирувчи комплекс частоталар ω_1, ω_2 ва хусусий формалар w_0^1, w_0^2 спектрини топиш талаб этилади.

(7) тенгламани ва (5)-(6) чегарадаги шартларни қаноатлантирувчи минималлаштирувчи формани маълум $A_k(x, y)$ базис функцияларнинг чизиқли комбинацияси кўринишида қидирилган:

$$W_0(x, y) = \sum_{k=1}^K \gamma_k A_k(x, y) \quad , \quad (8)$$

бу ерда γ_k – қидирилатган коэффициентлар. (8) ни (7) га қўйиб, $(K+S+S_\alpha)$ та $\lambda_1, \lambda_2, \dots, \lambda_s, \lambda_1^\alpha, \lambda_2^\alpha, \dots, \lambda_{s_\alpha}^\alpha, \gamma_1, \dots, \gamma_k$ ўзгарувчили $(K+S+S_\alpha)$ та чизиқли тенгламалар системаси олинган:

$$\begin{aligned} \frac{\partial}{\partial \lambda_s} [Q(\lambda_s, \lambda_s^\alpha, \gamma_k)] &= 0 \quad , \quad (s = 1, \dots, S) \quad , \\ \frac{\partial}{\partial \lambda_s^\alpha} [Q(\lambda_s, \lambda_s^\alpha, \gamma_k)] &= 0 \quad , \quad (s = 1, \dots, S_\alpha) \quad , \\ \frac{\partial}{\partial \gamma_k} [Q(\lambda_s, \lambda_s^\alpha, \gamma_k)] &= 0 \quad , \quad (s = 1, \dots, K) \quad . \end{aligned} \quad (9)$$

Матрица кўринишида (9)-система қуйидаги кўринишда ёзилган:

$$(A - \omega^2 B) \cdot \bar{\xi} = 0.$$

Бу система айнан нолга тенг бўлмаган ечимга эга бўлиши шarti:

$$|A - \omega^2 B| = 0.$$

Мисол сифатида иккита ва учта пластинадан ҳосил қилинган тўртбурчак шаклидаги механик системанинг тебранма ҳаракатлари ўрганиб чиқилган. Пластиналар контур бўйича ва ички нуқталарда маҳкамланган. Механик системанинг тебранма ҳаракатлари қуйидаги параметрларда қаралган:

$$E_{01} = E_{02} = 1; \rho_1 = \rho_2 = 1; \nu_1 = \nu_2 = 0.25; M_1 = M_2 = M_3 = 0.03, a = b = 1;$$


$$A = 0.078; \quad \alpha = 0.1 \quad , \quad \beta = 0.005.$$

Биринчи вариантда механик системанинг элементлари қовушқоқ-эластик. Частоталар ω_{Rj} нинг ҳам, демпферлаш коэффициентлари ω_{jy} ($j = 1, 2$) нинг ҳам C_2 пружина қаттиқлигига нисбатан монотон боғлиқлиги аниқланган. Иккинчи вариантда биринчи элементлар–эластик, қолганлари–қовушқоқ-эластик. Ҳисоблаш натижалари 2- расмда тасвирланган. Расмдан кўринадики, комплекс частотанинг мавҳум қисми номотон ўзгарар экан. Амалиёт учун C_2 нинг чегараланган аниқ қийматидаги демпферлаш коэффициентлари ω_{jy} ($j = 1, 2$) нинг минимал қиймати алоҳида қизиқиш уйғотади:

$$\omega^0(\Phi_I) = \max_{\Phi_I} \min_i [\omega_i(\Phi_I)],$$

бу ерда $\omega^0(\Phi_I)$ - демпферлаш кўрсаткичи ω_I нинг оптимал қиймати; $\Phi_I(\Phi_1, \Phi_2, \dots, \Phi_I)$ - оптималлаштириладиган параметрлар; N - таҳлил қилинаётган хусусий частоталар сони ($i = 1, 2, \dots, N$).

Системанинг қовушқоқ-эластиклик характеристикаларини тўлалигича ифодалаш учун И.Е.Трояновский ва И.И.Сафаров томонидан киритилган “глобал сўниш коэффициенти” (ГСК) тушунчаси киритилган. ГСК нинг бирор ўзгарувчига жуда ҳам боғлиқ равишда ўзгаришига геометрик ўлчамларни ёки физик характеристикаларни ўзгартириш орқали эришилади.



2-расм. Частотанинг ҳақиқий ва мавҳум қисмларининг пружина қаттиқлигига нисбатан ўзгариши (қовушқоқ-эластик–бир жинслимас система).

Диссертациянинг “Қовушқоқ-эластик системаларнинг барқарор ва барқарор бўлмаган тебранишлари” деб номланган тўртинчи бобида қовушқоқ-эластик механик системанинг барқарор ва барқарор бўлмаган тебранма ҳаракатлари кўриб чиқилган. Юклама n -жисмга қўйилган, унинг частотаси бир хил, лекин амплитудаси ҳар хил деб фараз қилинади. У ҳолда уларнинг ўзгариш қонунини қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\bar{P}_{nj}^0(t) = \bar{P}_{nj}^0 e^{-i\alpha t} \quad , \quad (n = 1, \dots, N; \quad j = 1, \dots, J) .$$

Системанинг қовушқоқ-эластик элементларида ёки нуқтавий боғланишларида юз берадиган релаксация жараёнларини ифодалашда Больцман–Волтерранинг чизиқли ирсий назарияси қабул қилинган:

$$\sigma_{mk}^n(t) = E_n \left[\varepsilon_{mk}^n(t) - \int_{-\infty}^t R^n(t-\tau) \cdot \varepsilon_{mk}^n(\tau) d\tau \right] ,$$

бу ерда $R^n(t-\tau)$ – релаксация ядроси; E_n – Юнг модулининг оний қиймати.

Сирт кучларининг виртуал иши δA_p ни ҳисобга олиб, Эйлер-Лагранж принципи (1) ни қўллаймиз:

$$\delta A_\sigma + \delta A_a + \delta A_m + \delta A_p = 0 ;$$

бу ерда

$$\delta A_p = \sum_{n=1}^N \sum_{j=1}^J \bar{P}_{nj}^0(t) \int_{\Omega_n} \delta U_{nj}(\bar{x}, t) d\Omega .$$

Система n -элементининг барқарор тебранма ҳаракатини қуйидаги кўринишда қидирамиз:

$$U_{nj}(\bar{x}, t) = U_{nj}^0(\bar{x}) e^{-i\alpha t} .$$

У ҳолда вариацион тенглама қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\delta \{ G(U_{nj}^0(\bar{x}), \omega^2) + F(\lambda_{nj}^s, k_{nj}^s, \mu_{nj}^s) \} = 0 \quad . \quad (10)$$

Муаммо энди куйидагича кўйилади: (10) тенгламани ва чегарадаги бир жинсли шартларни қаноатлантирувчи кўчиш векторининг модули $U_{nj}^0(\bar{x})$ нинг мажбурий тебраниш частотасига нисбатан ўзгариши топилсин. Бу ерда бошланғич шартлар кўйилмайди.

(10) нинг ечимини ортогонал базис функциялар суперпозицияси кўринишида қидирамиз. Йиғилган массалар ва нуқтавий боғланишларга боғлиқ бўлмаган жисмлар учун улар маълум деб фараз қилинган. У ҳолда, (10) тенгламани ва чегарадаги бир жинсли шартларни қаноатлантирувчи қидирилаётган кўчишлар майдони сифатида базис функцияларнинг чизикли комбинацияси қабул қилинган:

$$U_{nj}^0(x) = \sum_{k=1}^K \gamma_{nj}^k A_{nj}^k(\bar{x}) \quad , \quad (n=1, \dots, N; \quad j=1, \dots, J). \quad (11)$$

(11) йиғиндини (10) га кўйгандан сўнг γ_{nj}^k коэффициентлар ва $\lambda_{nj}^s, k_{nj}^s, \mu_{nj}^r$ Лагранж кўпайтувчилари олинган системанинг умумлашган координаталари бўлади. Матрица кўринишида у куйидагича ёзилган:

$$(A + \sum_{n=1}^{N_n} f_n(\omega) \cdot A_n^n + \sum_{n=1}^{N-1} f_{1n}(\omega) A_{1n}^n + \sum_{n=1}^{N-1} \sum_{l'=1}^{L'_n} f_{l'n}(\omega) A_{l'n}^n - \omega^2) \cdot \bar{\xi} = \bar{P}_{nj}^0 .$$

Мисол тариқасида қовушқоқ-эластик пружина орқали маҳкамланган икки квадрат эластик пластиналардан ҳосил қилинган система қаралган. Пластиналарга биттадан юк маҳкамланган. Гармоник кўзғатувчи юклама сифатида амплитудаси бирга тенг бўлган, пластиналар юзаси бўйлаб тарқалган гармоник P куч қаралган. Пластиналар контур бўйича шарнирли маҳкамланган, механик ва геометрик параметрлари бир хил:


$$E = 2 \cdot 10^{11} \frac{H}{m^2}, \quad \rho = 7.8 \cdot 10^3 \frac{Kz}{M^3}, \quad \nu = 0.3, \quad a = b = 0.2 \text{ м}, \quad h = 0.001 \text{ м} .$$


Релаксация ядросининг параметрлари: $A = 0.078, \alpha = 0.1, \beta = 0.005$.

Механик система резонанс амплитудасининг тўла сўнишини тадқиқ қилиш учун “глобал резонанс амплитуда” (ГРА) тушунчаси киритилган:

$$\delta_{\sigma_{33k}} = \max_{\gamma} (|A_{\sigma_{33k}}|) \quad , \quad (|A_{\sigma_{33k}}| = |\sigma_{33}(x, z) / \sigma_{33}^p(x, 0)|) .$$


Пластиналардан ҳосил қилинган системанинг M_2 юкнинг пластинадаги ҳолатига қараб тебранма ҳаракат амплитудалари топилган. Амплитудалар иккала пластина учун ҳам марказий нуқталар $y_{M_1} = 0.1 \text{ м}$ ($x = y = 0.1 \text{ м}$) (3-расм) учун қаралган.





3-расм. Тебраниш амплитудасининг частотага нисбатан ўзгариши: а-пастдаги пластина учун; б-тепадаги пластина учун

3-расмнинг муҳокамаси шуни кўрсатадики, мажбурий тебранма ҳаракат частотаси хусусий тебранма ҳаракатлар частоталари ω_1, ω_2 га тенг бўлганда юқоридаги пластинада ҳам, қуйидаги пластинада ҳам амплитуданинг кескин ўсиши юз берган.



4- расм. Резонанс амплитудасининг қаттиқликка нисбатан ўзгариши (қовуш-қоқ-эластик бир жинслимас тизим). I-I - "РА" нуқтасидан чапдаги кесим; II-II - "РА" нуқтасидаги кесим; III-III - "РА" нуқтасидан ўнгдаги кесим

Бир жинсли механик системалар учун ГРА ($\delta_{\sigma_{33k}}$) ролини биринчи частотага мос келган резонансли амплитуда ўйнайди. Бир жинслимас механик системалар учун ГРА ($\delta_{\sigma_{33k}}$) ролини биринчи ва иккинчи

частоталарга мос келган резонансли амплитуда ўйнайди. “Роллар алмашиниши” (РА) частоталарнинг ҳақиқий қисмлари максимал яқинлашган нуктада юз беради (бу нуктада ГРА ($\delta_{\sigma_{33k}}$) ўзининг экстремумига эришади (4- расм). ”РА” нуктасида ГРА ($\delta_{\sigma_{33k}}$) ўзининг минимумига эришади.”РА” нуктасида энергия интенсивлиги бошқа нукталарга қараганда юқори бўлади. ГРА ($\delta_{\sigma_{33k}}$) нинг қовушқоқ-эластик бир жинсли ва қовушқоқ-эластик-бир жинслимас тизимлар АЧХ ларига таъсирини ўрганиш учун учта (”РА” нуктаси, ундан чапдаги ва ўнгдаги) кесимлар қаралган ва тизимнинг бу кесимлардаги АЧХ лари тадқиқ қилинган. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ”РА” нуктасида (амплитуданинг частотага нисбатан ўзгаришида) биринчи ва иккинчи частоталарга мос келган амплитуда энг кичик бўлади.

Учинчи бобнинг иккинчи қисмида йиғилган массали ва нуқтавий боғланишли пластина ва қобикларнинг барқарор бўлмаган тебранма ҳаракатлари масаласи қаралган. 1-жадвалда ташқи юкламаларнинг турли частоталаридаги пластина максимал эгилишларининг қийматлари берилган. Натижалардан, $\omega_{R1} = 451,2\text{Гц}$; $\omega_{R2} = 521,3\text{Гц}$; $\omega_{R3} = 632,9\text{Гц}$; $\omega_{R4} = 702,1\text{Гц}$ частоталардаги биринчи тўртта тебраниш формаларида пластинанинг максимал эгилишлари мос равишда ($x=L/8$, $x=L/6$, $x=L/4$, $x=L/2$, $y=L/2$) нукталарда бўлиши аниқланган.

1-жадвал. Пластинанинг максимал эгилишлари.

| Частоты | ω_j | | | | | | | |
|---------------------|------------|------------|------------|------------|------------|------------|------------|------------|
| | ω_1 | ω_2 | ω_3 | ω_4 | ω_5 | ω_6 | ω_7 | ω_8 |
| $\max W, \text{мм}$ | 0,020 | 0,032 | 0,029 | 0,024 | 0,0067 | 0,0026 | 0,0040 | 0,0020 |

Работнов ядроси учун ГДК нинг параметрлари юқоридаги параметрларда тадқиқ қилинган. Натижалар Колтунов –Ржаницин ядросига қараганда паст частоталарда 10% –15% га, юқори частоталарда эса 20–27% га фарқ қилган.

Диссертациянинг “**Муҳит билан ўзаро алоқада бўлган структуравий бир жинслимас кўп қатламли пластина ва қобиклар тебранишларини демпферлаш**” деб номланган бешинчи бобида муҳит билан ўзаро алоқада бўлган уч (ёки икки) қатламли қовушқоқ-эластик пластина ва қобиклар тебранма ҳаракатларини демпферлаш масалалари қаралган. Қатламлар чегарасида кўчишларнинг узлуксизлик шарти қўйилган. Қидирилаётган номаълумлар сифатида етакчи қатламлар ўрта қатламларининг тангенциал кўчишлари u_α^k, v_α^k ва эгилиши w^k қабул қилинган. Механик системанинг ҳаракат тенгламалари чегарадаги шартларни ҳисобга олган ҳолда Эйлер-Лагранж принципи қўллаб олинган. Чегараларда қуйидаги шартлар қўйилган:

$$u_1^k = u_2^k = w^k = w_{11}^k = 0 \quad (x=0, L; \quad k=1,2).$$

Уч қаватли пластинасимон қатламларда кучланишлар ва деформациялар Гук қонуни орқали боғланган. Етакчи қатламларнинг ташқи сиртларига тақсимланган юклама q_1^k ва муҳит реакцияси q_{ar}^k қўйилган:

$$q_{3r}^k = -\tilde{k}_0^k w^k = -k_0^k \left[w^k - \int_{-\infty}^t R_k(t-\tau) w^k(\tau) d\tau \right], \quad q_{ar}^k = 0.$$

Ички кучланишларни u_α^m, w^m катталиклар орқали ифодалаб, асоснинг реакциясини ҳисобга олиб, қуйидаги тенгламалар олинган:

$$L_\alpha^m(u_\alpha^m, w^m) - b_\alpha^m \ddot{u}_\alpha^m = -L_{\alpha q}^m, \quad L_3^m(u_\alpha^m, w^m) - b_3^m \dot{w}^m = -L_{3q}^m \quad (m, \alpha = 1, 2)$$

бу ерда

$$L_\alpha^m = \sum_{k=1}^2 \left[(a_{ma1}^k \frac{\partial^2}{\partial x_\alpha^2} + a_{ma2}^k \frac{\partial^2}{\partial x_\beta^2} + a_{ma3}^k) u_\alpha^k + a_{ma4}^k \frac{\partial^2 u_\alpha^k}{\partial x_\alpha \partial x_\beta} + (a_{ma5}^k \frac{\partial}{\partial x_\alpha} + a_{ma6}^k \frac{\partial^3}{\partial x_\alpha^3} + a_{ma7}^k \frac{\partial^3}{\partial x_\alpha \partial x_\beta^2}) w^k \right],$$

